

«ТО» БУГУНГИ КҮН «ТО»
«ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

□ Хоразм вилояти пахтакорлари ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 290 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топишди ва йиллик режани адо этдилар.

□ Кеча Бекбоғдаги «Узметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бirlашмасида Бош вазирнинг биринчи уринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида металл парчалари ҳамда қора ва рангли металллар чиқитларини тайёрлаш, қайта ишлашга топириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

□ Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлисида бозор иқтисодиётининг ёрдамчи соҳаларини шакллантириш ва хусусийлаштириш дастури қандай амалга оширишга алоқадорлиги муҳокама этилди.

□ Кеча «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида республикамиз билан Голландия ўртасида ҳаво алоқаларини йўлга қўйиш ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

□ 21-28 октябрда Самарқанднинг 2525 йиллик тўйи муносабати билан шаҳар кунлари ўтказилган бўлди.

□ «Узкоммуллойха» Урганча троллейбус қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини ишлаб чиқди. 1997 йилда шаҳар темир йўл вокзалини аэропорт билан бeғловчи илк йўналишда троллейбуслар қатнай бошлаши режаланган.

□ Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациялари кенгаши ўртасида 1995-1996 йилларда ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан битим имзоланди.

ҲАМДУСТЛИКДА

□ Бугун Озарбайжонда мустақиллик кунининг тўрт йиллиги байрам қилинмоқда.

□ Машҳур миллиярдлар Қирсан Илюмжинов мурдатидан илгари сайловларда нақадатдаги етти йиллик мурдатга яна Қалмиқистоннинг президенти этиб сайланди. Бу сайловларда президентликка биргина унинг номзоди қўйилган эди.

□ Россия, Беларусь ва Қозғистон Бош вазирлари бу мамлакатлар ўртасидаги бoғжона иттифоқи шаклланишининг биринчи босқини тугаллаганига муносабати билан қўша баёнот қабул қилдилар. Унда бу бoғжона иттифоқига Ҳамдустликнинг бошқа мамлакатлари ҳам қўшилишига умид билдирилган.

□ Тожикистон ва Эрон пойтахтлари — Душанбе ва Тегҳрон узаро бирдорлашдилар.

□ Жаҳон чамаси Россияда шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантириш мақсадларига 329 миллион доллар миқдорда қарз берди.

□ Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Норвегия ва Россия ноғиронларидан бир гурӯҳи аравачаларда жаҳондаги энг юксаклардан ҳисобланган Қазбек чўққисини эгал этдилар.

□ Донецкда маҳаллий «Шахтёр» билан «Таврия» жамоалари ўртасидаги учрашув энди бошланган пайтда «Шахтёр» футбол клуби президенти, «Люкс» фирмаси бош директори Аҳат Брагинский стадионда суиқасд уюштирилиб, бомба портлатилиши оқибатида олти киши ҳалок бўлди.

ХОРИҶДА

□ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов Бухарестда ўтказилган Парламентларо иттифоқнинг 34-конференциясида нутқ сузлади.

□ Араб давлатлари лигаси Исроилга нисбатан иқтисодий қамалини бекор қилганликни тўғрисида баёнот берди.

□ Ироқда ўтказилган февралда иштирок этганларнинг 99,96 фоизи президент Саддам Ҳусейннинг ваколатларини яна етти йилга узайтириш учун овоз бердилар.

□ Пекинда Россия билан Хитой ўртасида чегара тўғрисида битим имзоланди.

□ Кеча Париж метросида яна бомба портлатилиши оқибатида дастлабки маълумотларга қўра 29 киши жароҳатланди. Уларнинг олти нафари жуда оғир аҳволдадир.

□ Америкalik олимлар Нью-Жерси шаҳрида бундан 90 миллион йил илгари мавжуд бўлган қўзиқорин қолдиқларини аниқладилар.

□ Бугун 1875 йил 21 февралда тутилган франциялик Жанна Кальман 120 йил ва 238 кун ҳаёт кеңирлигини эълон қилди. Гап шундаки, у Гиннесснинг рекордлар китобига ҳужжат билан тасдиқланган ҳолда жаҳонда энг узок умр кўрган инсон сифатида қирадиган бўлди. Узок умр кўриш буйича аввалги рекорд 1886 йилда вафот этган япониялик Хиגעхиро Изумига тегишли эди. У 120 йил ва 236 кун яшаган.

□ Истанбул шаҳри 2004 йилда Егит олимпиада уйинларини ўтказиш учун уз номзодини қўйди.

Мехнат жамоаларида ЖОНКУЯР ИШЧИЛАР

«Фотон» ишлаб чиқариш бirlашмасининг Тошкент электрон-техника заводи кейинги вақтда ишлаб чиқариётган асосий электрон маҳсулотлари, рангли ва оқ-қора телевизорлари, турли оҳанг таратувчи болаларнинг мусиқали уйинчоқлари ва бошқа халқ истеъмолчи буюмлари эътиборга лойиқдир. Албатта, бу маҳсулотларни тайёрлаш жарағинга бirlашмадаги барча цех ва бўлимлар уз хиссаларини қўшади.

Кундалик ишининг меъёра боришида корхонанинг 20-механика-йиғув цехи ишчиларининг ҳам хиссаси катта. Бу цехга кўп йиллардан бундан Александр Назаров раҳбарлик қилади. Турли миллат вакилларини уз ичига қамраб олган жамоа аъзолари ҳар бир иш кунининг самарадорлиги йўлида бор маҳоратла-

ри билан меҳнат қилишаётир. Уларнинг асосий бажарадиган иши корхонада ишдан чиқариётган дастгоҳларни оддий ва жорий таъмирлашдан, янги яратилган маҳсулотлар учун энг керакли металл деталларни ясаб беришдан иборатдир.

— Агар кичик бир деталнинг ўлчами ёки пайванди кунгилдагидек бўлмаса, демек уша кунги бутун ишга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам жамоамизда меҳнат қилаётган ишчиларимизнинг кўпчилиги олий маълумотлилардир. Айниқса Алексей Султонов раҳбарлигидаги бригадада тенг келадигани йўқ. Бу ерда меҳнат қилаётган 6 нафар ишчи оқори малакали ишчилар саналишади. Алексейнинг узи эса заводимиз фахри. У яқинда «Дустлик» ордени билан тақдирланди. Бундан ҳаммамиз бағоят мамнун бўлдик. Яхши ишлашга одат-

ланган одам ҳеч қачон тиним нимагини билмас экан. Бригадирнинг фаолиятини кўрган аъзолари ҳам доимо сифатли ва самарали ишлашга одатланишган. Миша Пакаев, Анвар Юсупов, Георгий Федуровларнинг маҳоратлари туфайли цехимиз уз зиммасидаги мажбуриятларни ортиги билан адо этмоқда. Янги ишга келган ёшлар ҳам шундай жонкуяр ишчиларнинг шогирди бўлишни оруз қилиб, айнан шу бригадада меҳнат қилиш истаklarини билдиришаётир. Мана улардан бири Руслан Хусайнов ва Денис Ануфриевлардир. Бир вақтлар Алексей устози Раҳим Илёсов сингари моҳир ишчи бўлишни оруз қилган бўлса бугунги кунда унинг шогирдлари шундай яхши ният билан ишлашмоқда, — дейди бригадир Александр Назаров.

Гулноза МУРОДОВА.

Курлиш майдонларида Фойдаланишга ТОПШИРИЛДИ

«Тошкентуэкоинвестуриш» корпорациясига қарашли уй-жой қурилиши трести кейинги пайтларда шахримиздаги кўпжаб турар жой биноларини бунёд этишда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, улар шу йил бошида шахримизнинг Миробод мавзесидаги 12-уйда қурилиш-тиклаш ишларини бошлаб юборишганди.

Бинокорлар маъжур турар жой биносининг 9 та қаватини қўсқа мурдат ичида тикладилар. Уйда пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги трест қурувчилари қўйилмақом қилиб бажаришди. Бошқача қилиб айтганда бунёдкорлар умумий сатҳи 6 минг 158 квадрат метрга тенг уйни тула қўриб битказишди. Айни пайтда бу турар жой биносига 64 та хонадон эгалари бирин-кетин кўчи киришни бошлашди.

Трест қурувчилари пойтахтнинг Бешқўрғон мавзесида ҳам умумий сатҳи 368 квадрат метрни ташкил этган яқка тартибдаги уйни фойдаланишга топширишди.

Ғайрат ЮНУСОВ.

МИСР ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Илгари хабар берганимиздек, кўни кеча Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази, Ўзбекистон Киночилар уюшмасининг ташаббуси билан пойтахтдаги Киночилар уйида Миср фильмлари ҳафталиги бошланди.

Тадбирга ташриф буюрган санъат ишқибозлари, мухлислар Омар Шариф, Омينا, Фарид Шавқий, Аҳмад Закий каби таниқли Миср киноактёрлари суратга тушган «Аждаҳо», «Қора йулбарс», «Вақтни енгган киши» ва Мисрнинг бошқа энг сара фильмларини қўриб мароқли дам оладилар.

Даврон ИСМОИЛОВ.

Энг афзали — тотувлик ЖОЗИБАЛИ КЎРГАЗМА

Республика байналмилал маданият марказининг юксак гўмбази остида турли халқларнинг қўшиқлари тез-тез янграб туради. Яқинда бу ерда очилган «Ўзбекистонлик 20 мусаввир» кўргазмаси ҳам қўриқчи халқ кўй ва қўшиқлари билан бошланди. Байналмилал маданият маркази ва Тошкент шаҳар корейс маданият маркази ташкил этган ушбу кўргазмада асосан юртимизда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб мўйлақ усталарининг ишлари намойиш этилмоқда.


— Шундай гузал юртда яшаб, унинг гузалликларидан илҳомланмаслик, ижод этмаслик мумкин эмас, — дейди шахрисабзлик расом Мир Ҳегай. — Азалдан Шарқ меъморчилигининг шайдосиман. Бу ерда намойиш этилаётган «Жаҳонгир мақбараси», «Чўққиди яқка даряхт» асарларини санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотганлигидан хурсандман.

Эътиборли томони шундаки, ушбу кўргазмадаги санъат асарларининг бариси тошкентлик Анатолий Ҳегайнинг шахсий коллекциясига тегишли. Кўргазма ҳам уз раҳбарлик қилаётган «СТМ» очиқ тилдаги хиссадорлик жамиятининг ҳомийлигида ташкил этилди. Ўзбекистонлик корейс расомлари асарларининг кўргазмасига Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги факулдада ва муҳтор элчиси Се Гени ҳам ташриф бурди.

Бобур ҲАКИМОВ.

Мустақиллик мевалари ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, Ғарбнинг етакчи компаниялари билан шартномалар тузиш, республикамизда уларнинг ваколатхоналарини очиб — бугунги кунда воқелика айланди. Кеча «Алломчи» спорт саройида АҚШнинг жаҳон мамлакатлари бўйлаб кўргазмалар ўтказиш буйича катта тажриба тўплаган «Ти ЭН Ти Продакшн Инк» компанияси ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳомийлигида очилган «Консумер ЭКСПО-95» кўргазмаси бунинг яна бир далолатидир.



Тимолов



Кургазманни томоша қилар экансиз, иччам ва шинама павильонлардаги жаҳон андозалари талаблари даражасидаги мол ва маҳсулотларни қўриб кўзингиз қувнади.

раҳбари Василий Фотиади. — Биз фақат маҳсулотларимизни сотибгина қолмай унга сервис хизматини ҳам кўрсатамиз. Ўзбекистондек иқтисодиёти ривожланиб бораётган мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашдан жуда шод бўлардик.

Шунингдек, Япониянинг машҳур «Акай Гуринди» компаниясига қарашли «Шанкарс Эмпориум Галф ЛТД» фирмаси ҳам илк бор уз маҳсулотлари билан юртимизга ташриф бўлди. Демакки, бу фирма орқали республикамизга тўғридан-тўғри энг охири турдаги рангли телевизорлар, видео ва аудиотехникалар, уй-рузгор электр жиҳозлари, факс ва телефонлар келтиришга имкон туғилади.

Энг муҳими, кўргазмадан тушган маблаглар «Алломчи» спорт саройини қайта таъмирлаш, унч замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлашга ва бу билан юртимизда спортни янада ривожлантиришга сарфланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
 СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар.
 Рустам Шарипов олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАР | ВОҚЕАЛАР | ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

ЯНГИЛИКЛАР | ВОҚЕАЛАР | ХАБАРЛАР

Обуна-96 пул ўТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН



«Томорқа», «Дам олиш оқшоми» саҳифалари ҳамда «Киш тайёргарлики ёқтиради», «Мулкни — ҳақиқий эгасига» руқилари остида берилаётган мақолалар биз учун жуда қизиқарли. «Бугунги кун нафаси» руқни остида берилаётган мағзи тула хабарларни ўқиган киши республикамизда, Ҳамдустликда ҳамда бутун дунёда булётган янгиликлар билан танишиши мумкин.

— Ҳозирги кунда ҳар бир оила газета ва журналга обуна бўлиши иқтисодий томондан бирмунча қийин, — дея мулоқотни давом эттириди бошқарма бошлиғи Владимир Виткин. — Шунч ҳисобга олган ҳолда бошқармамиз ҳисобига ҳар бир нашрга биттадан обуна қўйилди. «Тошкент оқшоми» газетаси шулар жумласидандир. 1996 йилда хизматчиларимиз тушлик ҳамда ишдан буш вақтларида «Тошкент оқшоми» газетаси ва бошқа матбуот нашрларини ўқишади.

Ғиёс ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 18 октябрдан бошлаб айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишнинг қуйидаги тартибини белгилайди:

— Шу йил 17 октябрда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказилган савдон ҳисобга олган ҳолда сотиш курси 1 АҚШ доллари учун 34,5 сумни ташкил этади;

— Тижорат банклари аҳолининг эркин айирбошланадиган валютага булган талаби ва так-

лифидан келиб чиқиб, валюта айирбошлаш курсини Марказий банк белгилаган курсдан 15 фоиз доирасида ошириш ёки камайтиришлари мумкин;

— Валюта сотишда номинал қийматнинг 20 фоизи миқдорда воситачилик ҳақи олинади;

— Эркин айирбошланадиган валюта воситачилик ҳақини ҳисобга олган ҳолда аҳолидан сотиш курси буйича воситачилик ҳақисиз харид қилинади.

ректори Валтер Борио Алмо. — «Консумер — ЭКСПО-95» кўргазмасига 40 дан ортқ турдаги маҳсулотларимизни олиб келдик. Уйлаймизки, юртингизда сифатли маҳсулотларимиз учун хариддорлар топилади. Асосий мақсадимиз ҳам Ўзбекистонда уз ваколатхонамизни очиб, юртингиз бозорига кириб боришдир.

— Энг янги русумдаги «чангпоти» гичлар, кондиционерлар, дамзоллар, машай техника тулғамлари, эпиллятор, феи каби асосий маҳсулотларимизнинг дунёга донги кетган десам, муболага бўлмас, — деди Германиянинг машҳур «Ровента» компаниясининг Москвадаги ваколатхонаси



Тошкентда Машҳур «Майер» Германия фирмасининг ноғиронлар ҳаракатини яхшилашга хизмат кўрсатадиган салон-магазинининг таянмалари очилиш маросими бўлди.

Маъжур фирма узок йиллардан бунч уз ҳолича ҳаракат қилмайдиган кишиларга лозим бўлган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Юксак даражадаги барча техника ишланмаларини фирма мутахассислари ишлаб чиққан.

— Фирманинг Тошкентдаги ваколатхонасини очиб тўғриси-

даги музокаралар бундан бир йил муқаддам бошланган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурақов. — Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрам арафасида ноғиронлар учун минг донга аравача сотиб олиниди. Бугунги кунда «Майер» фирмаси маҳсулотларини Тошкентда бемалол сотиб олиш

(УЗА).

ҚАДРЛИ «ОҚШОМ» МУШТАРИЙЛАРИ

Шу кунларда ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига 1996 йил учун обуна давом этмоқда. Бутун йил бўли газетада босилган мақолаларни мунтазам ўқиб бораёй десангиз вақтни бой бермай газетга обуна бўлинг. Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Тошкент оқшоми»га бир ойга, уч ойга, ярим йилга ва бир йилга обуна қабул қилинмоқда. Қанча мурдатта обунани расмилаштириш уз ихтиёрингизда. «Тошкент оқшоми»нинг индекси — 64690.



«Юлдуз» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида тиклаётган костюм-шиллар бугунги кунда хоржий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан асло қолнимайди. Корхона ишчи ва хизматчилари ишлаб чиқаришда асосий эътиборни сифатга қаратишмоқда.

СУРАТЛАРДА: бirlашма цехининг кўриниши ва жамоанинг фирма дўқони.



«Юлдуз» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида тиклаётган костюм-шиллар бугунги кунда хоржий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан асло қолнимайди. Корхона ишчи ва хизматчилари ишлаб чиқаришда асосий эътиборни сифатга қаратишмоқда.



СУРАТЛАРДА: бirlашма цехининг кўриниши ва жамоанинг фирма дўқони.

НОГИРОНЛАРГА АТАЛГАН САПОН — МАГАЗИН

Тошкентда Машҳур «Майер» Германия фирмасининг ноғиронлар ҳаракатини яхшилашга хизмат кўрсатадиган салон-магазинининг таянмалари очилиш маросими бўлди.

Маъжур фирма узок йиллардан бунч уз ҳолича ҳаракат қилмайдиган кишиларга лозим бўлган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Юксак даражадаги барча техника ишланмаларини фирма мутахассислари ишлаб чиққан.

— Фирманинг Тошкентдаги ваколатхонасини очиб тўғриси-

даги музокаралар бундан бир йил муқаддам бошланган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурақов. — Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрам арафасида ноғиронлар учун минг донга аравача сотиб олиниди. Бугунги кунда «Майер» фирмаси маҳсулотларини Тошкентда бемалол сотиб олиш

(УЗА).

ли уринни эгаллаб, уларнинг ишончларини оқладилар. Эшкак эиш — республика

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ МУЛ БУЛДИ

«Индиана» фирмаси Осиё чемпионатида катнашишини миздаги энг кучли тараққий этган спорт турларидан биридир. Спортчиларимизнинг ҳар бир мусобақадан савринсинс қайтмасликлари, 12-Осиё уйинларида эса илк олтинлар ҳисобини дастлаб

эшкакчилар бошлаб берганликлари бежиз эмас. Биз ушбу мусобақада В.Олимжонов, Р.Исломов, И.Исоқовларнинг муваффақиятларидан айниқса мамнун бўлдик. Моҳир спорт усталаримизга муносиб уринбосарлар келгуси йилнинг май ойида Японияда ўтказиладиган Олимпиада саралаш мусобақаларида ҳам қатнашадилар.

Бехзод ХУСАНОВ.

Хайта каттаю-кичик билан салом-алиқ қилинганда самимий ҳол-аҳвол сурайдиганлар ҳам, кишининг мансаби, бойлигига қараб ётти бўлиб, но-чор кишиларга эса нисбатан бепасандлик билан муомала қиладиганлар ҳам учрайди. Бу яққол кузга ташланадиган ҳолатдир. Лекин юксак маданият-ли кишилар ҳар қанча марта-бага кутарилса-да, оёғини она заминдан узмайди. Халқ тили-да айтганда амал юқини ку-ра олади. Бундай кишиларни эл-юрт эъозлаб яхши тарбия курган оиланинг фарзанди дейди. Хадиси шарифда ҳам «Ота-онанинг фарзандига қол-дирадиган энг катта бойлиги тарбиядир», деб айтилишида улмас ҳақиқат мавжуд.


эса маъноли жилмайиб турар-дилар. Шундай юксак лавозим эга-сининг бир ёш болага шунча-лик изазат-икром курсатгани ме-ни хануз ҳайратга солиб кела-ди. Бунинг урнига «Уғлим, кат-та дадангиз ҳов анови ерда сайр қилмоқдалар», десалар ҳам булар эдику. Кейинчалик билсам, Рихсибой Саҳибов шарқ фалсафаси маданиятини чуқур билган зукко инсон, қала-ми ўткир журналист, ҳаёт қо-нонда қайнаб кўпни курган раҳ-барлардан бири экан.

Биз оилада бува деб атайди-ган 103 га кириб қаю қилган муътабар инсон Муҳаммадҷон Муслимов бир кўни «Рихсибой Саҳибов деган юксак лавозим-да ишлайдиган инсон бор экан,

Инсонийлик фазилатлари

КАМТАРГА КАМОЛ

Менинг ушбу сатрларни ёзи-шимга сабаб қуйидаги воқеа-дир. 12 ёшли ҳамаси бола-эдим. Адам раҳматли ва аям билан биргаликда катта дадам (амаким, қўшиқчи шоир Акмал Пулат) уни кургани шифохонага киши кўнларининг бирида бор-дик. Бироқ дам олиш вақти бўлгани учун дарвозадан ичка-рига киришга рухсат бўлмади. Шунда аямлар «Уғлим, биз-нинг келганимизни катта дада-сига айтса бўлди, улар агар дам олаётган болани сузлаб бе-зова қилиб қайтиб кетавермиз»-деб илтимос қилдилар. Бунга шифохона ходимаси ҳам эъти-роз билдирмай оёқ унча қи-риб чиқишимга рози бўлди. Мен лип этиб кириб кетдим. Ховлидан утиб ичкарига кир-сам катта даданинг уйкулари келмай кувели очик ҳовода ҳамқоналари билан богда сайр қилгани қичиб кетганиларни билдим. Орқамга қайтиб ке-таётсам, йулакда Рихсибой Са-ҳибовни куриб қолдим. Рих-сибойни куриб қолдим. Рих-сатининг котиби лавозимда иш-лар эдилар. Урта бўйли, ну-роний чехрали, кузлари кишига меҳрибон боқувчи ва ажойиб инсон менинг саломимга алиқ олган жилмайиб «Баракалла у-ғлим, келинг, кимни қидира-сиз», деб саволга тўтидилар. Сунгра «Сиз ичкарига кириб тановул қилиб утириг, мен хо-зир Акмал акани чақириб ке-лам», дедилар. Менинг тор-тиниб туришимга қарамасдан, «Юриг-юриг», деб дид билан жиҳозланган хашаматли хона-га олиб кирдилар. Чиройли ил-кочпага тўтириб, тошкентлик-ларнинг севимли таомларидан бири норини қазис билан солиб, ноз-неъматлар мўжайиб бўлган тўкин дастурхонга та-қил эдилар. Мен уялибгина стулга утириб норини бироз тановул қилиб иссиқ қўч койни ичиб утирсам, «Улғубек, иш-ларинг жуда зурку, Рихсибой ака сени жуда изазат-икром қили-диларку», дея катта дадам ку-либ гапирдилар. Рихсибой ака



Пойтахтимиз марказида бу мўъжиза шаҳарчинг куриб битказилиши болажонлар учун ҳақиқий байрамга айланади. Бу боққа кириб, худди «учар гилам»-да сайр қилгандек бетакор, сеҳри манзараларни осма арқон йўлдан юриб томоша қилиш мумкин. Мўъжиза арчимқорларнинг ҳар бири тақорланмасдир. Негаки, «Тошкентленд» энг замонавий мўъжизалик талаблари асосида курилган.

Мўъжиза шаҳарча Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Туркиянинг «Айсэл» фирмаси ёрдамида куриб битказил-ди.

СУРАТДА: «Тошкентленд» манзаралари.

28 октябрь кўни пойтахтинг Халқлар дўстлиги майдонидан анъанавий «Сугдиёна — 95» халқаро авторалли пойгаси старт олади. Саккиз йил аввал илк бор ўтказилган ушбу автопойги Тошкент ша-ҳар йўловчилар ташви транспорт бош-қармаси уюштирган эди. Утган давр ич-да юртимизда автоспорт шиддат билан ривожланиб, пойгачиларнинг маҳорати ҳам ошиб борди. Авторалли мусобақаси-нинг нуфузи эса халқаро даражага кута-рилиб, бу йил унда Россия, Беларус, Ук-раина, Қозғистон, Туркманистан ва Қир-ғизистондан пойгачилар қатнашдилар. МДХнинг бошқа давлатларидан ҳам қат-нашиш учун илтимосномалар келмоқда. Аввалги автопойгаларда куп билан кир-қ, элликтдан экипаж қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони юздан зиёд бўлса, «Жугли», «Волга», «ГАЗ-24» ҳамда бир нечта чет эл машиналари йўлга чиқа-дилар.

— Республикаимиз рельеф шароитининг мураккаблиги автопойгани халқаро талаблар даражасида ўтказиш имконини беради, — дейди «Сугдиёна — 95» авторалли дирек-тори Н. А. Кравченко. — Жами 400 километр масофанинг 160 қақирими тезкор пойгага мўлжалланган. Айнан шу масофада пойгачи-ринчи босқичи Чимён сайёҳлик мажмуасида ниҳоятда етиб, натижалар мўҳокама қилина-ди. Пойгада одатга қура, дақиқалар ҳам му-ҳим урин тутади. Шунинг учун очколари аниқ ҳисоблашда биринчи марта компьютердан фойдаланилади.

«Сугдиёна — 95» автораллиси бу йил Ҳам-дустлик спорт тақвимида белгиланди, тез ора-да эса, халқаро ва дунё миқёсига чиқиши кўтилмоқда. Чунки, мутахассисларнинг фик-рича, автопойгани Россия ва Марказий Осиё давлатлари бўйлаб, машур Париж — Дакар автораллисидан қолишмайдиган савияда ўт-казиш имкониятлари бор. Ўзбекистонда ав-тоспортнинг ривожланишида бир неча фран-цуз фирмалари ҳам катта қизиқиш билдир-моқдалар.

«Сугдиёна — 95» автораллисига «Трансаэ-ро» авиакомпанияси, «Ксерокс» фирмаси ҳамда Миллий инвестиция фонди ҳимойлик қилмоқдалар.

Бахтёр ҲАЙДАРОВ.

«СҮГДИЁНА» ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

Аёллар, сизлар учун

ОРАСТАЛИК — ГҲЗАЛЛИК

Кўпича косметологлардан неча ёшдан бош-лаб қош-қузини буюш, сочи парвариш қилиш-да қандай воситалардан фойдаланиш мумкин деб сўрашади. Шунинг айтиш лозимки, ёш қиз-ларга ҳеч қандай қўшимча бўёқларнинг ҳожа-ти йўқ. Энг муҳими, косметик восита ва муолажа гигиенага риоя қилишдан бошланади. Шунинг учун инсон тозаллик хамиша амал қилиши лоз-им. Бунда юз, бадан, соч, қўл ва оёқни мунта-заб гигиена қоидаларига буйсунган ҳолда тоза тутиш лозимлиги назарда тутилади.

Экчимли ва бежирим кўринишга ҳаракат қил-майди одам бўлмаса керак. Оқдйи гигиена қоидаларига амал қилмаган киши уста тикувчи тиккан уст-бош ёки сартарош санъати билан гузаллаштир қолмайди. Гузаллик шундай манба-ки, орасталлик ҳаракат қилингандагина кузга ташланади. Табиат томонидан ҳадя этилган ёш-лик ҳуснини сақлаб йилги узимизга боглиқ. У-тиз ёшдан ошгандан сунг киши тери тўқимала-

ри эластиклик хусусиятларини йўқота бошлайди. Мана шундангина юз ва буйин тери тўқималари қаришининг олдини олиш учун хизмат қиладиган косметик маҳсулотлардан фойдаланиш пайти ке-лади. Юзининг соғломлигини сақлаш учун мева, сабзавотлардан тайёрланган озқилантирувчи мас-калардан фойдаланган маъқул. Ялпиз, райхон ёки атиргул гулбарглари ҳам маска (ниқоб) тайёр-лаш мумкин. Бир, икки ош қошигида майда қилиб туралган усимлик (ёки улар уруғи)ни ийлага со-лингнда, қуоқ масса холига келгунча ийик сув билан аралаштириг. 7-10 дақиқа иссиқ сунда тур-гандан сунг, юз ва буйинга суртинг. Юзингизни 20-25 дақиқадан кейин ювиб ташланг. Қулупнай, помидор, бодринг, олча каби мева-сабзавотлар-нинг дармондориларга бойлиги ҳаммага маълум. Юқоридakilардан ташқари усма, хинага ушган усимликлардан пардоз учун фойдаланиш ҳам ки-ши аъзосига фойдали.

Шахло ШОИСЛОМОВА.

Турфа олам СПИРТ БУЛУТИ

Коинотнинг чеки-чегараси бул-магандек, унда яширинган сир-лар ҳам пөнвонсиздир. Яқинда ин-глиз мунажжимлари коинотда су-зиб юрган, спирт бўлганига илгав қол-рат гост улкан булутни илгав қол-дилар. «П. М. Магазин» деб ата-лувчи немис журналининг хабар беришича, ушбу булутнинг ҳамми бир секстиллион литрга тенг бў-либ, бутун Кувш системасидан ҳам катта экан.

Рольф Хабинг ва Том Миллерлар тадқиқот давомида ана шундай ажойиб булутга «дуу келганлар» «Коинот алкоголь фабрикаси» ҳақиқий астрономик микдорда «ишлаб чиқариш қувватига эга: у Ер куралидаги ҳар бир одамни триллион илгав давомида, кунга триллион куража пивво билан «синайиши» мумкин экан!



Болаликнинг бегубор онлари. Миртемир Қодиров олган сурат.

«П. М. Магазин» журнали ушбу хабардан руҳланиб кетган алкоголь ишқибозларининг ҳажонини бир-роз сундиришга ҳам ҳаракат қил-ган: яъни алкоголь булутни курази заминимиздан 10 минг вруглик йил-масофасида эканлиги эсла-тилган.

Ботир ҲАСАНОВ.

Урта умумтаълим мактабларида бу йилдан бошлаб «Иқтисодий билим асослари» дарслиги ўқув дастурига кирга бошлади. Бироқ бу соҳада ҳали етарли тажрибалар йўқлиги туфайли қатор муаммолар туғилмоқда. Бозор иқтисодиёти ҳар бир оиланинг ҳаётида муҳим урин тутади. Чунки оиланинг иқтисодий аҳволига қараб юрт фаровонлиги белгиланади.

Муаллим уйлари ОИПА САРМОЯСИ СИР ТУТИЛАДИМИ?

ришни, оилавий иқтисодиётнинг барча сир-ас-роларини чуқур билиши талаб этилади. Бола-лар учун эса энг зур тажриба майдони унинг оиласидир. У ҳар кун ҳаёт қонунларини ои-лада куради ва мулоҳаза қилади. Оиладаги бор-ди-қелди, сарф-харажати тушунган бола кейин-чалик катта-кичик иқтисодни англай бошлайди. Бунда ёшларга оила сармояси ва ҳужалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар уртасида иш-ларнинг тақсимланиши, оиланинг узига хос иқ-тисодий жиҳатлари, даромади ва харажати, уни бошқариш каби тушунчаларни ўргатиш жоиз.

муҳимдир. Яширининг ҳожа-ти йўқ, собиқ ит-тифоқ даврида исрофгарчиликка кўп йил қуйил-ди. Айрим одамлар учун исроф сўзининг узи булмай қолди. Бу ҳол айнақса оилаларда се-зилди. Электр қуввати, сув, газ каби эҳтиёж-лардан ортиқча ишлатиш айрим хонадонларда хануз давом этмоқда. Уйлайимки, мактаб ўқув-чилари ўзлари учун бир кунда ота-онаси қанча маблағ сарфлаётганини билишлари шарт. Бу тушунчалар айна «Иқтисодий билим асослари» соатларида берилиши керак.

Бахтёр КАРИМОВ, олий тоифадаги муаллим.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪПОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки»
Республика бирлашмаси
Тошкенбой ЭГАМБЕРДИЕВ

НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ЦИРКИДА

2 БУЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА ЦИРК
ТОМОШАЛАРИ

ДАСТУРДА акробатлар, гимнастикачилар, жонглёрлар, эквилибристлар, ҳаво гимнасти-качилари, ҳинд йоги ва ургатилган ҳайвон-ларнинг чиқишлари.

МАСХАБОЗЛАР ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗДА.
ТОМОШАЛАР 20, 27 октябрь кунлари соат 18.00 да;
21, 22, 28, 29 октябрь кунлари соат 12 ва 15.00 да бошланади. Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган.

Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йу-ли билан олиш мумкин.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-29-04, 44-35-91.

«МЕЪМОР»
ФИРМАСИГА

бетончилар, фишт терувчилар, сувоқчилар, автокранчилар, электр-газ пайвандчилар, дурадгорлар, экскава-торчилар, ҳайдовчилар, авточилангар-лар

КЕРАК

МАНЗИЛИМИЗ: Ҳамза тумани, Строи-тельная кучаси, «2-темир-бетон буюмлари заводи» (68, 119, 23-автобусларнинг «2-те-мир-бетон буюмлари заводи» бекати — эс-ки бетон узели).

Телефонлар: 90-31-61, 90-39-55.

ДИҚҚАТ!

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДА-ГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЧЕТ (инглиз, немис, француз, испан ва уз-бек) ТИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ БУЙИЧА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқитиш жойларда ўтказилиши ҳам мумкин. ТУЛОВ ШАРТИ ҲАР ХИЛ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Глинка ку-часи, 7-уй. Низомий номли ТДПИ, 5-қават, 3-хона, чет тиллари кафедраси.

Телефонлар: 55-63-40, 48-10-44 (кечкурун).

ДАРСЛАР ГУРУҲЛАР ТУЗИЛИШИ БИЛАН БОШ-ЛАНАДИ.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносаба-ти билан

1995 йил 18 октябрдан 28 октябргача 1/4 «Қорақамиш» даҳасидаги барча уйларда яшовчи 48-АТС АБОНЕНТЛАРИДА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БУЛМАЙДИ

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радио-лаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва-зирлиги қошидаги «Илм» ўқув-ишлаб чиқариш концернининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти раҳбарияти ва касоба уюшмаси қўмитаси «Социал-сиёсий фанлар-кафедрасининг доценти М. Норбоевага онаси

Лола ва худойбердиеванинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иззат АҲМЕДОВ.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатта олинган. Рўйхат соки — 10.

Манзили: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эъло ва тижорат хабарларини жўялаштириш масъалари бўйича ~ 33-81-42

Бош муҳаррир: Эркин ЭРНАЗАРОВ

Нашрнинг етказиб бериш масъалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси» шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига — 33-74-03 телефони-га мурожаат қилинишига мумкин.

Ҳажми — 2 босма табоқ, Офсет усулда chop этилади. Қоғоз бевон — А-2. Газета ИВМ компьютерида терилади ва сақланади. Нашр кўрсаткичи — 64690.

«Шафқ» нашрийот-матбаа корхонаси босмахонаси. Корхона манзили: «Суюқ Шўрон» кўчаси, 41-уй.